

Кичик бизнес рақобатбардошлиги ва реструктуризация жараёнларининг баъзи жиҳатлари

и.ф.н. Р.М. Мусурманов, СамИСИ

Бозор муносабатлари шароитида мулкчилик шакллари ривожланиши кенг кўламда эркин товар ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлар қатлами фаолиятини ривожлантиришни тақазо этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар бунинг яққол далилидир.

Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ислоҳатларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши таъкидлаб ўтилганлигини кўрсатиш мумкин. Бунда, иқтисодиётнинг бу соҳаси уч асосий масалани ҳал этиши лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилган, яъни:

- яқин 5-10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришни таъминлаш лозим;
- бу соҳа, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаи бўлмоғи зарур;
- кичик ва ўрта мулкдорлар синфини мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган пойдевор сифатида шакллантириш зарур.

Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт тузилмаларида энг олдинги ўринларни эгаллаши керак. Бунинг учун эса бугунги кунда кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва улар фаолиятида реструктуризация жараёнларини кучайтириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, рақобатбардошлик ва реструктуризация жараёнлари бир-бири билан узвий боғлиқ категорияларидир.

Рақобат – барча мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бунда, рақобатбардошликни миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, тармоқлар ва тармоқлараро рақобатбардошлик, корхона рақобатбардошлиги, маҳсулот турлари, баҳоси, сифати ва ҳоказо рақобатбардошлик турларга бўлш мумкин. Юқоридагилар ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес рақобатбардошлигини ошириш масалаларига ёндашишда турли миллий хўжалик тизимларида «рақобатбардошлик» тушунчасининг турли меъзонлар билан таснифланишини эътиборга олиш лозим. Рақобатбардошликни тавсифловчи белгилар ва омилларнинг кўплиги натижасида уларни умумий ҳолда қўйидаги уч гуруҳга бирлаштириш мумкин (расм-1):

1-расм

РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯ ВА РАКОБАТБАРДОШЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН БОГЛИКЛИГИ



- микро-даражада (маҳсулот турлари, сифати, баҳоси ва ҳ.к.);
 - мезодаражада (тармоқларидаги кичик бизнес субъектларининг мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва ҳ.к.); -

- макро-даражада (кичик бизнес-субъектларининг умумий ҳолати, унинг барқарорлиги, инвестицион иқлим, солиқ тизими ва ҳ.к.).

Шу билан биргаликда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан кейинги даврда амалга ошириладиган ислоҳатлар давомийлигини таъминлаш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хусусий мулкчилик механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида реструктуризация жараёнларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Яъни, реструктуризация – тармоқ, корхона, фирма, кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишни ҳар томонлама қайта қуриш, такомиллаштириш демакдир. Бу фаолиятни амалга оширишнинг икки турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- стратегик реструктуризация;
- тармоқ, корхона, фирма, кичик бизнес субъектлари реструктуризацияси.

Бунда, стратегик реструктуризация капитал маблағлар ҳажмини ошириш, фаолият шаклини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби умумий мақсадларга қаратилган бўлади. Иккинчи турдаги реструктуризация эса аниқ мақсадларга қаратилган бўлиб, уни ҳам умумийлашган ҳолда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ташкилий реструктуризация, бунда тармоқ, корхона, фирма кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги турли хил нохуш ҳолатлардан чиқиш мақсадида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш йўналишларини ўзгартириш, турли майда бозорга мосланувчан соҳаларга бўлиш ва ҳ.к.

- молиявий реструктуризация, яъни молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, янги молиявий манбаларни аниқлаш, банк кредити ва инвестицияларни жалб этишни кучайтириш ва ҳ.к.;

- функционал реструктуризация, реструктуризациянинг ушбу тури жуда кўплаб муаммоларни ўз ичига олиб, яъни тармоқ, корхона, фирма кичик бизнес субъектларда фаолиятида хом-ашё таъминоти, технологик жараёнлар, меҳант унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ҳақозоларни ўз ичига олади.


Умуман олганда, иқтисодиётнинг барча турли билан шуғуланувчи субъектларда реструктуризация жараёнларини кучайтиришидан мақсади – бу бизнес қийматини оширишдан иборат. Демак, шундай экан юқорида таъкидланганидек «рақобатбардошлик» ва «реструктуризация» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай қилиб, «рақобатбардошлик» ва «реструктуризация» жараёнлари республикамиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида бир-бирини тўлдирган ҳолда олиб борилиши лозим. Бунинг учун Ўзбекистонда, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва фаолият кўрсатиш учун барча зарур инфратузилма ва имкониятлар яратилган. Фақатгина 2003 йилда 29,8 минг кичик бизнес корхоналари тузилган. 2004 йил 1 январгача ҳаммаси бўлиб, 263 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар рўйхатга олинган ва уларнинг 235 минги (88,8 %) фаолият кўрсатган. Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони олдинги йилга нисбатан 9,3 % га ошган. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 2003 йилда 35,5 % га етди, унда кичик корхоналар улуши эса 15,1 % га тўғри келади. Бу эса халқ хўжалигида банд бўлганларининг 57,2 % ни ташкил этади. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат молиявий ресурслари, хорижда мувафақиятли қўлланилаётган усул ва механизмлар тизими ишлаб чиқилган. Бунда, кичик бизнес томонидан банк хизматларига бўлган талабларнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Шунинг учун банк тизимининг асосий вазифаси кредит бериш тартибини такомиллаштириш ҳисобланади, ҳамда иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаштириш ва қайта ташкил этилаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши лозим.

Маълумки, кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг асосий манбаси, бу банк-кредити ҳисобланади. Ҳозирги кунда банк-кредитдан фойдаланишга бўлган талаб кескин ошмоқда. Бунинг учун 2000-2003 йиллар мобайнида Республика Марказий Банки томонидан кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш бўйича бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, кредит талабномалари кўриб чиқиш, ҳужжатлар айланишини тезлаштириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 293,8 млрд. сўмлик кредитлар берилган, 2002 йилда бу кўрсаткич 265,0 млрд. сўмга тенг бўлган эди.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига 2003 йилда кичик бизнесга 189,5 млрд., сўмлик кредит берилган эди, 2002 йилда эса- 175,6 млрд. сўмлик. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига тегишли равишда 20,6 млрд. сўм ва 14,1 млрд сўм ва хорижий кредит тизимлари ҳисобидан мос равишда 83,7 млрд. сўм ва 75,2 млрд. сўм ажратилган. Сўм қийматлари ҳисобида ўсиш суратларига қарамасдан, айрибошлаш курсининг ўзгариб туриши ҳисобига кредитлаш ҳажми камайган. (расм 2-3)

2-расм


**2001-2003 йилларда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми
(млн. сўм ҳисобида)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида

3-расм

2001-2003 йилларда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми (минг АҚШ доллари ҳисобида)



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотларига асосан 2001 валюта айрибошлашнинг ўртача курси 1 АҚШ доллари 422,6 сўм, 2002 йилда 769,03 сўм, 2003 йилда 980,0 сўмни ташкил этган.

Лекин, Ўзбекистонда кичик бизнес рақобатбардошлигини ва реструктуризация жараёнларини орқага тортувчи бир қанча субъектив омиллар ҳам мавжуд, жумладан уларга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг етарли рағбатлантирилмаётганлиги;
- кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий ҳимояланмаганлиги, баъзи хўжалик қонунлари ва солиқ тизимининг заиф ва нобарқарорлиги;
- тадбиркорликда ходимлар малакасининг пастлиги ва бошқарув тизимининг такомиллашмаганлиги;
- кичик бизнеснинг мамлакат саноатидаги улушининг етарли даражада ривожланмаётганлиги;

- турли хил бошқарув аппарати томонидан яратилаётган маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги;

- рақобатбардошликни таъминловчи нормал оддий шароитларнинг йўқлиги ва ҳ.к.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистонда қилиниши лозим бўлган энг муҳим масала, бу аҳоли турмуш даражасини кўтариш муаммосининг ҳал қилинмаганлигидадир. Бунинг асосий сабаби эса, ўзаро икки боғлиқ тизим давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидадир. Рақобатли иқтисодий шакллантириш учун, аввалам бор унинг барқарорлигини таъминлаш зарур. (солиқ, кредит, бож, сотиб олиш, инновация сиёсати ва ҳ.к.)

Кичик бизнес ва тадбиркорликда рақобатбардошлик ва реструктуризация жараёнларини кучайтиришда турли моделлар мавжуд. Масалан: саноат ривожланган мамлакатларда рақобатбардошлик асосан самарадорлик даражаси бўйича аниқланади. Унда асосан юқори технология миллий турмуш даражаси таъминланган бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда эса, бунинг акси бўлиб, унинг асосий стратегияси мамлакатдаги нисбатан паст турмуш даражасини таъминлаш, рақобатбардошликнинг устувор афзалликларидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Шундай қилиб, рақобатбардошлик мураккаб кўп поғонали категория бўлиб, кичик бизнеснинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти, инвестицион ва инновацион самарадорлигини оширишдан рағбатлантирувчи роль уйнайди. Умуман олганда рақобатбардошликни шакллантиришнинг ва реструктуризация жараёнларини кучайтириш айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади.